

ОМОНАТДОРЛИК.

*Наманган вилояти Чуст тумани “Охунбобо” жоме масжиди
имом хатиби: Ботиров Баҳодир*

Аллоҳ таоло мўминларнинг чиройли одобларидан бири ҳақида Ўзининг китобида шундай зикр қилади:

“Улар (яъни, мўминлар) ўзларига (ишонилган) омонатларга ва (ўзгаларга) берган аҳду паймонларига риоя қилгувчи кишилардир”

Бу оятнинг тасдиғига Пайғамбаримиз с.а.в. ҳам ушбу сўзлари бор:

“Омонатни сақлай олмайдиган кишининг иймони йўқ, аҳдига вафо қилмайдиганни эса дини йўқ”

Демак, мен мўминман деган инсон бу икки хислатга жуда қаттиқ эътибор бериши лозим. Хўш, Роббимиз биз бандаларига нималарни омонат қилиб топширган ва уларни бизлар қандай тутишимиз керак.

Аввало ҳар бир инсон омонат сўзининг таржимасини тушуниб олайлик. Омонат дегани арабча сўздан олинган бўлиб – ишониб топширилган нарса – маъносини англатади. Демак, Роббимиз бизларга ўз дининг кўрсатмаларини ишониб топширибди. Янада аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак: Аллоҳ таоло барча кўрсатма таълимотларини ва ҳукмларини ўз жойига қўйиш бўйича унинг ишонган вакилимиз.

Аллоҳ таолонинг ҳақиқий мўмин бандаси шариатда кўрсатилган кўрсатмаларни буйруқларини ўз вақтида адо қиладиган ва қайтарган қайтариқларидан доимо қайтадиган зотдир.

Намоз вақти келганда ҳазрати Али розияллоҳу анҳу титрар ва ранг-рўйлари ўзгара бошларди. У кишидан: “Эй мўминларнинг амири, сизга нима бўлди?”, деб сўраганларида, шундай жавоб берардилар: “Аллоҳ таоло еру кўкларга фарзларини омонатга бермоқчи бўлганида улар қўрқиб олмаган эдилар, мен бани Одам бўлиб қабул қилганман. Энди омонат намоз пайти келди. Дер эдилар.

Қайси бир банда Аллоҳ ҳузурига соғлом қалб билан борар экан, нажот топади. “Қалб Аллоҳ таолодан бандасига берилган омонатдир” – дейдилар Имом Ғаззолий. Умр ҳам Аллоҳ таолонинг омонати. Шунингдек, тоатга сабаб бўлувчи барча нарсалар омонат. Соғлиқимиз, вақтимиз, илмимиз ва ҳоказо... Кимки омонатга хиёнат қилиб, тавба қилмаса, аламли жазога йўлиқади.

Ҳадиси муборақда бир нечта омонат туғрисида баён қилинганки. Булардан;

“Кимдаким, унда учта амал бўлса, бас у мунофиқдир, арағчи намозхону рўзадор бўлса ҳам. 1. Гапирса ёлғон гапиради. 2. Омонатга хиёнат қилади. 3. Ваъдага хилоф қилади”.

“Ростгўй, омонатли тожир Пайғамбарлар, сиддиқлар ва шаҳидлар билан биргадир”

“Омонатдор, муслмон савдо қилувчи қиёмат куни шаҳидлар билан бирга бўлади”

Расулulloҳ с.а.в. “Омонатни сақлаб, вақтида қайтариш кишининг ризқини зиёда қилади. Омонатга хиёнат қилиш эса қашшоқлик келтиради” деган муборак сўзлари бор. Омонат дейилганда нафақат молу дунё балки маънавият ҳам шунга киради.

“Муслмоннинг зиммасида бир нарса бор. Муслмоннинг ҳаққига хиёнат қилган одамга Аллоҳнинг лаънати бўлсин ва фаришталарнинг лаънати бўлсин ва барча инсонларнинг лаънати бўлсин ва Аллоҳ таоло қиёмат кунидаги унинг солиҳ амалларини ва садақаларини қабул қилмайди”

“Расулulloҳ с.а.в. бир мажлисда ўз қавмларига сўз сўзлаб турган эдилар. Бир аъробий келиб: Қиёмат қачон? – деб сўради. Расулulloҳ с.а.в. сўзларини давом этдилар. Баъзи саҳобалар: Расулulloҳ унинг сўзини эшитдилар-ку, лекин ёқтирмадилар шекилли – деб ўйладилар. Айримлари эса: сўзини эшитмадилар – деб ўйладилар. Пайғамбаримиз с.а.в. сўзларини тугатгач: “Қиёмат тўғрисида сўраган одам қани?” дедилар. Аъробий: Мана мен Ё Расулalloҳ – деди. “Омонатдорлик – ҳалоллик ўртадан кўтарилганда қиёматни кутавергил”, дедилар. Буни қандай билса бўлади? – деб яна сўради аъробий. “Ҳар бир ишики ўша иш соҳиби бўлмаган кишига юклатилса, қиёматни кутавер”, деб жавоб бердилар”.

Расулulloҳ с.а.в. Авф ибн Молик р.а.га дедилар: “Агар сенинг иккита хизматкоринг бўлиб, улардан бири сенга хиёнат қилса, ёлғон сўзласа, бошқаси эса тўғри сўзлаб, хиёнат қилмаса, улардан қай бири сенга мақбулроқ ва севимлироқ?” Авф ибн Молик р.а.: “Албатта, тўғрисўз ва омонатдори”, деб жавоб бердилар. Расулulloҳ с.а.в. ҳам дедилар: “Сизлар ҳам Парвардигорингиз наздида шундайсизлар”.